

Муфтий Усмонхон Алимов халқаро анжуманда иштирок этмоқда



12:20 / 11.04.2019 1902

Бугун Қозоғистоннинг Нур-Султон шаҳрида **“Маънавий ипак йўли: Ислом ва ёшлар”** IV халқаро илмий-диний конференция ўз ишини бошлади. Тадбирда Россия, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон республикаларининг диний раҳнамолари, шунингдек, Европанинг бир қатор мамлакатлари, жумладан Эстония, Литва, Финляндиядаги мусулмон жамиятлари раҳбарлари ҳам иштирок этмоқдалар. Халқаро конференция ишида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳам қатнашмоқда. Анжуман давомида ёшлар форуми ўтказилиши ҳам режалаштирилган. Мазкур анжуман 2016 йилдан буён ўтказилиб келинади. У 2016 йил Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида, 2017 йил Татаристон Республикасининг Булғор шаҳрида ва 2018 йил Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтказилган эди.

